O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 19 - avgust 613-6-84-Q/22 Pop tuman hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган“ Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Поп туман ободонлаштириш бошқармасининг 01.06.2022 йилдаги таклифи маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Поп туманидаги қабристонларда гўр қазиш бўйича кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида белгилансин.

3. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилсин.

4. Поп туман ободонлаштириш бошқармаси:

- қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъий риоя этилишини;

- ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

- мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор **“Поп тонги”** газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Поп туман ҳокимлигининг Ахборот хизматлари мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий **веб-сайтига жойлаштириш** чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими биринчи ўринбосари в.в.б Ў.Йўлдашев ва ҳоким ўринбосари в.в.б И.Ғойназаров зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Султанов А.М.**